

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Сергели тумани халқ  
таълим бўлими



*А.С. Мамалжанов*  
«24» 05 2022 йил

Тошкент шаҳар Сергели туман халқ таълим бўлими  
тасарруфидаги 284-сонли умумий ўрта таълим мактабида жорий  
таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатиш

### ТАНЛОВ ТОПШИРИГИ

Буюртмачи: Сергели тумани халқ таълим бўлими

Тайёрлади:

Д.Пайзиев *Д.Пайзиев*

А.Рустамов *А.Рустамов*

Тошкент – 2022 йил

## УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Техник топширик — давлат буюртмачиси томонидан товарнинг (иш, хизмат) асосий мақсадига, унинг тавсифига қўйиладиган талаблар, давлат харидининг бирламчи маълумотлари, мақсадлари ва вазифалари, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш муддатлари, сифат кафолатлари, тавсифи ва хажми, ҳисобот шакллари (зарур ҳолларда), товарга (ишлар, хизматлар) қўйиладиган талабларнинг асослангирилиши, эквивалент кўрсаткичлар, иқтисодий, бошқа махсус талабларни ўз ичига олган ҳужжат.

1.2. Буюртмачи Сергели тумани халқ таълим бўлими (кейинги ўринларда Буюртмачи деб юритилади).

1.3. Мактабида панжараларни жорий таъмирлаш ишлари Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

1.4. Иш тури: Тошкент шаҳар, Сергели тумани жойлашган 284-умумий ўрта таълимнинг мактабида жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш (кейинги ўринларда - Объект).

1.5. Иш бошлашнинг режага оид муддатлари: шартнома тузилган санадан бошлаб.

## 2. ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОБЪЕКТИ

2.1. Тошкент шаҳар, тумани, Сергели тумани жойлашган 284-умумий ўрта таълим.

## 3. ИШЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

3.1. Ишлар Буюртмачининг тегишли хулосалари мавжуд бўлган, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак. (1,2,3-иловада кўрсатилган намуна асосида)

## 4. ИЖРОЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Пудратчи бундай иш турларини бажариш талабларига жавоб бериши керак.

4.2. Ўхшаш иш бўйича ишларни бажариш тажрибаси 5 (беш) йилдан кам бўлмаслиги керак.

4.3. Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибаси мавжудлиги (зарур ҳолларда ишчи комиссия далолатномаси ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этилиши).

4.4. Тегишли ишларни бажаришга рухсат берувчи хужжатлар мавжуд бўлиши шарт. Ижрочи жорий таъмир ишларини бажариш вақтида қурилиш ишлари учун зарур бўлган барча зарур ва махсус рухсатномаларга эга бўлиши керак.

4.5. Ишларни бажариш учун ижрочи ташкилот штатида йетарли малака ва тажрибага эга бўлган зарур мутахассисларга эга бўлиши шарт.

## 5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1. Ишларни бажариш муддати – шартнома тузилган кундан бошлаб шартнома муддати тугагунга қадар фаолият кўрсатиш.

## 6. ИЖРОЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ижрочи қуйидагилар учун жавобгар:

Ишларнинг қонунчилик талаблари ва меъёрий хужжатларга мувофиқ сифатли бажарилиши;

Ишларни бажариш пайтига тегишли сертификатлари бўлган ўз асбоб ускуналаридан фойдаланиши.

6.2. Барча ишларни малака даражаси паст бўлмаган муҳандислик-техник ходимлар, мутахассислар, ишчилар амалга оширишлари лозим. Қамида 5 йил тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги.

6.3. Ижрочи ишни ўз вақтида бажариш учун керакли мутахассисликлар ва етарли миқдорда малакали техник ходимлар билан таъминлаши керак.

6.4. Бажариладиган ишнинг хусусиятига мос келишига кўра Ижрочи Буюртмачига субподрядчи, жалб қилган ходимларнинг сони ва малакаси, бундай ишларни бажариш тажрибаси, техник жиҳозларнинг мавжудлиги ва кичик механизациялар тўғрисида маълумот бериб, Буюртмачи билан келишилган ҳолда, иш бажариш мумкин.

6.5. Ижрочи сайтда бажарилган ишлар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш, ахборот алмашиш учун Буюртмачи томонидан ўтказиладиган юзма-юз учрашувларда шахсан иштирок этиши ёки унинг ваколатли вакилининг иштирокини таъминлаши керак.

## 7. КАФОЛАТЛАР ХАЖМИ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

7.1. Кўрсатилган хизматлар кафолати тўлиқ хажмда тақдим этилади. Кўрсатилган хизматлар сифатининг кафолатини тақдим этиш хажми деганда кафолат мажбуриятлари кучга кирган тақдирда бажариладиган умумий ишлар хажми тушунилади.

7.2. Кўрсатилган хизматлар кафолатининг муддати - шартноманинг амал қилиш ва хизматларни қабул қилиш якуний далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб кейинги 12 (ун икки) ой даври. Агар кафолат муддати даврида камчиликлар ёки нуқсонлар аниқланса, ижрочи (ўзининг айби йўқлигини исботлай олмаган тақдирда) буюртмачи билан келишилган ҳамда аниқланган камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этиш муддати билан далолатномада қайдланган муддатларда уларни ўз ҳисобидан бартараф этиши шарт. Ушбу ҳолда кафолат муддати мос равишда нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади.

7.3. Сифати бўйича шартнома, мазкур техник топширик талабларига ва буюртмачининг талабларига мувофиқ бўлмаган кафолат мажбуриятлари кўрсатилган тақдирда, ижрочи шартномага асосан миқдорда ва хажмда кафолатланган тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Хизматлар сифатининг кафолатларини тақдим этиш хажми бўйича ижрочи мажбуриятлари шартнома амал қилиш муддати ёки кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар ва хизматлар сифатининг шартнома талабларига мувофиқ бўлмаган фактлар аниқланган хизматлар (хизматлар босқичларига) нисбатан қўлланади.

## 8. ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ВА ХИЗМАТЛАР НАТИЖАЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

8.1. «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги», комунал таъмирлаш ва монтаж ишлари ташкил этишга қўйиладиган гигиеник талабларнинг санитар қоидаларига ҳамда хизмат кўрсатиш ва уларнинг натижаларининг хавфсизлигини регламентлайдиган бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ.

8.2. Ижрочи меъёрий ҳужжатларга, шунингдек маҳаллий меъёрий ҳужжатларга мувофиқ объектда меҳнат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги, атроф муҳит муҳофазаси бўйича чора-тадбирлар бажарилишини таъминлаши шарт.

8.3. Ижрочининг барча ходимларнинг соғлиқни сақлаш сугуртаси ёки иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугуртаси Объектда хизмат кўрсатиш, иш бажариш бутун муддати давомида мавжуд бўлиши шарт.

8.4. Мактабида жорий таъмирлаш ишлари фойдаланадиган мактаб биноси ва ҳудуд шароитида амалга оширилиши сабабли, Ижрочи одамларнинг хавфсизлигига қўйиладиган талаблар бажарилишини таъминлаши шарт.

8.5. Объектдаги фавкулудда ҳолатнинг аниқланган пайтдан бошлаб бир кун ичида Буюртмачига маълум қилади.

8.6. Ижрочи иш вақтида меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш учун жавобгар бўлиб, руҳсатсиз шахсларнинг иш жойига киришини чеклайди.

8.7. Ижрочи коммунал таъмирлаш ва монтаж ишлари интизомини ва гигиена стандартларига риоя қилишни ўз зиммасига олади.

## 9. НАРХ ҚИСМИ

9.1. 2022 йил 2-чорак мактабида жорий таъмирлаш ишлари учун тўлов ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда чегаравий қиймати умумий ҳолда 793 892 776 сўмни ташкил қилади.